

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ШАКАРОВ УКТАМ БЕРДИБОЕВИЧ**

**РАҲБАР АХЛОҚИ ВА АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
МУАММОЛАРИ**

**23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по политическим наукам**

**Content of Dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Political Sciences**

**Шакаров Уктам Бердибоевич**

Раҳбар ахлоқи ва адолатли бошқарувни ташкил этиш муаммолари.....3

**Шакаров Уктам Бердибоевич**

Этика руководителя и проблемы организации  
справедливого управления.....21

**Shakarov Uktam Berdiboyevich**

The problems of organizing the morality of the leader and the fair  
management.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published work.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.29.08.2017.S.01.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**ШАКАРОВ УКТАМ БЕРДИБОЕВИЧ**

**РАҲБАР АХЛОҚИ ВА АДОЛАТЛИ БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
МУАММОЛАРИ**

**23.00.03 – Сиёсий маданият ва мафкура**

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/Siyos69 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент архитектура қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгашнинг [www.sf-ik.uz](http://www.sf-ik.uz) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) веб саҳифасига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Алимардонов Тўлқин Турдиевич**  
сиёсий фанлар доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Эргашев Ибодулла**  
сиёсий фанлар доктори, профессор  
**Ўтамуродов Акбар Ўтамуродович**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_ куни соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [pauka@nuu.uz](mailto:pauka@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-Ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел: (99871) 246-67-71, факс: (99871) 246-02-24

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ш.И.Пахрутдинов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**А.Д.Ташанов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, ф.д. (PhD)

**А.Г.Муминов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугун жаҳондаги қатор ривожланган давлатларда шахс ва раҳбар фазилатлари тараққиётнинг муҳим омили сифатида эътироф қилинган назарий-методологик асослар вужудга келди. Давлат ва жамият қурилишига доир ахлоқий таълимотларнинг мазмуни бошқарувнинг адолатли тизимини вужудга келтириш билан белгиланади, яъни инсон салоҳияти миллий бойлик сифатида давлат ва жамият ривожига йўналтирилади. Давлат ва жамият бошқарувида инсон манфаатлари, фуқаролар эркинлиги, жамият манфаатларининг устуворлиги, демократик принципларни миллий қадриятлар асосида ривожлантириш адолатли жамият қуришнинг долзарб шартига айланиб бормоқда. Зеро адолатли бошқарув асослари миллатнинг тарихий қадриятларга асосланишида намоён бўлади.

Жаҳон халқлари бошқарув амалиётида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда раҳбар ахлоқи ва адолатли бошқарувни ташкил қилиш масаласи ҳамма вақт катта аҳамият касб этган. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишида раҳбар ахлоқи билан боғлиқ ахлоқий стандартларни вужудга келтириш, халқ билан мулоқот маданияти, шунингдек, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш, жамоада гуруҳбозлик ва коррупциянинг олдини олиш каби муаммоларни ҳал қилишда бошқарувда ахлоқий нормаларини татбиқ қилиш ва унинг технологияларини такомиллаштириш талаб қилинади.

Мустақиллик йилларида адолатли бошқарувни ташкил қилиш ва бунда раҳбар ахлоқининг аҳамиятига доир катта ишлар амалга оширилди. Аввало, мамлакатдаги ислохотларнинг тақдири бошқарув кадрларининг салоҳиятига боғлиқ эканини инобатга олган ҳолда кадрлар тайёрлашнинг янги тизими шакллантирилди. Сўнгги йилларда бошқарувда танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик тамойили, халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши қоидасига эътибор қаратилди. Давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этиш зарурати кун тартибига чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги ЎРҚ-369-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини

тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мустақиллик даврида миллий маънавий-маданий меросимизни янгича тафаккур асосида ўрганиш ва уни бевосита жамият бошқарувига татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, миллий давлатчиликнинг назарий асослари, адолатли жамият қуриш ва бунда раҳбар ахлоқига доир қарашлар Марказий Осиё мутафаккирларининг асарларида қадимдан ўз ифодасини топган. Улар бугун ҳам муҳим илмий, назарий, маънавий манбалар бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Абу Наср Форобий, Юсуф хос Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Захириддин Муҳаммад Бобур<sup>1</sup> каби мутафаккирларнинг асарларида давлат ва жамият бошқаруви ва унда раҳбар шахсига қўйиладиган маънавий-ахлоқий талабларга алоҳида эътибор берилган.

Раҳбарнинг ахлоқий сифатлари ва адолатли бошқарув масаласини ўрганишнинг методологик асосларини яратишга Ғарб мамлакатлари ва рус олимлари катта ҳисса қўшган. Жумладан, К.Г.Баллестрем, М.Вебер, К.С.Гаджиев, И.В.Бизюкова, М.А.Блюм, Б.И.Герасимов, М.Вебер, М.Вудкок, Д.Френсис, В.В.Горанчук, Ж.М.Жордж, Г.Р.Жоунс, А.Соловьев, А.П.Егоршин, В.П.Распопов, Н.В.Шашкова, И.А.Ерохов, Н.Л.Захаров, А.И.Ионова, С.Н.Паркинсон, К.Рустомжи, В.М.Соколов, В.В.Черепанов, В.Е.Черноскутов, И.Ю.Парфёнова, Е.С.Яхонтова<sup>2</sup> ва бошқ. сиёсий ахлоқ,

---

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Халқ мероси, 1993.; Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1971.; Низомулмулк. Сиёсатнома. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.; Темур тузуклари. –Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1996.; Алишер Навоий. Садди Искандарий. –Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1991.; Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. –Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1989.; Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1983.; Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. –Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1967.; Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти. 2011.; Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Тошкент: Юлдузча, 1989.

<sup>2</sup> Баллестрем К.Г. Власть и мораль (основная проблема политической этики)// Философские науки. -1991. - №2.; Вебер М. Политика как призвание и профессия. Избранные произведения. –Москва, 1990.; Гаджиев К.С. Этика и политика // Мировая экономика и международные отношения. -1989.- №3.; Бизюкова И.В. Кадры управления: подбор и оценка. –Москва: ОАО Изд-во «Экономика», 1998.; Блюм М.А., Герасимов Б.И. и др. Этика деловых отношений. –Москва: ФОРУМ, 2009.; Вудкок М., Д.Френсис. Раскрепощенный менеджер. –Москва: «Прогресс» 1993.; Горанчук В.В. Психология делового общения и управленческих воздействий. –Санкт Петербург: Издательский дом «Нева». –Москва: ОЛМА-ПРЕСС Инвест, 2003.; Жорж Ж.М., Жоунс Г.Р. Организационное поведение. Основы управления. –Москва: ЮНИТИ-ДАНА 2012.; Пугачев В., Соловьев А. Введение в политологию. –Москва: Аспект Пресс, 2002.; Егоршин А.П. Управление персоналом. Нижний Новгород. НИМБ. 2003.; Егоршин А.П., Распопов В.П., Шашкова Н.В. Этика деловых отношений. – Нижний Новгород: НИМБ, 2005.; Ерохов И.А. О возможности политической морали //Полис, 2002. -№4.; Захаров Н.Л. Организационное поведение государственных служащих. –Москва: ИНФРА-М,

бошқарув этикаси, раҳбар салоҳияти сифатларини аниқлаш, адолатли бошқарувни ташкил қилишга доир илмий-назарий таълимотларни яратишда салмоқли тажриба тўплашга эришган. Россиялик олим П.Сорокиннинг одам эгаллаб турган вазифасига қанчалик номуносиб бўлса, у жамиятни шунчалик муваффақият билан емиришга қодир<sup>1</sup> экани ҳақидаги фикрлари раҳбар ахлоқи масаласи мамлакат ҳаёти учун нақадар долзарблиги тўғрисидаги қарашларимизни тасдиқлайди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда И.Эргашев, А.Бегматов, Н.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, А.Холбеков, М.Қуронов, В.Қўчқоров, Н.Боймуродов, Т.Алимардонов, Ф.Равшанов, А.Рахмонов, Ҳ.Ахмедов, О.Абдурахмонов<sup>2</sup> каби олимлар томонидан миллий меросимиз анъаналарида раҳбар ахлоқи, маънавияти, бошқарувни ташкил қилиш маданияти, ижтимоий адолат, сиёсий ахлоқ ва салоҳиятли кадрларни тайёрлаш, раҳбар ва ходим ёки жамоа муносабатларини тартибга солиш, раҳбар ва иқтисодий самарадорлик, раҳбар ва жамоа психологияси, бошқарув услублари масалаларига доир илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Аммо юқоридаги изланишларнинг таҳлили кўрсатадики, раҳбарнинг ахлоқий сифатлари адолатли бошқарувни ташкил қилишнинг муҳим омили, муаммоси сифатида алоҳида диссертацион тадқиқот доирасида комплекс ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент архитектура қурилиш институти “Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанлар” кафедраси ва институт илмий тадқиқотлар режасига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси ва маънавий-ахлоқий меъёрларини вужудга келтириш орқали адолатли бошқарувни ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

---

2009.; Ионова А.И. Этика и культура государственного управления. –Москва, 2003.; Паркинсон С.Н., Рустомджи К. Искусство управления. –Москва: Фампр-пресс, 2001.; Соколов В.М. Нравственные основы кадровой политики. Государственная кадровая политика и механизм ее реализации. –Москва, 1998.; Черепанов В.В. Основы государственной службы и кадровой политики. –Москва: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2008.; Черноскутов В.Е, Парфёнова И.Ю. и др. Этика деловых отношений. Новосибирск: Изд-во СибАГС, 2008.; Яхонтова Е.С. Эффективные технологии управления персоналом. –Санкт Петербург: Питер, 2003.

<sup>1</sup> Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. –Москва: Политическая литература. 1992. –С.424.

<sup>2</sup> Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. –Тошкент: Академия, 2004.; Мирбобоев Б., Хусанов О., Бегматов А. Ўзбекистонда давлат хизматини ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. –Тошкент: Akademiya, 2005.; Жўраев Н. Агар огоҳ сен. –Тошкент: Шарқ, 1997.; Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. –Тошкент: Академия, 2001.; Холбеков А. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). –Тошкент: Akademiya, 2007.; Қуронов М. Раҳбарлик лавозимлари профессиограммалари ҳақида // Раҳбар ва ходим. –Тошкент: Академия. 1998.; Қўчқоров В., Равшанов Ф., Холлов А. Давлат бошқарувида раҳбар кадрларга қўйиладиган талабларнинг назарий-методологик асослари. –Тошкент: Академия, 2013.; Боймуродов Н. Раҳбар психологияси. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2016.; Алимардонов Т. Сиёсат ва ахлоқ. –Тошкент: Фан, 2005.; Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.; Равшанов Ф. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. – Тошкент: Академия, 2007.; Рахмонов А. Давлат қурилиши ва бошқаруви. –Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2009.; Ахмедов Х. Ислом Каримов асарларида раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий-сиёсий масалалари: С.ф.н. илм. дар. олиш учун ...дисс. автореф. – Тошкент: ДЖҚА, 2008.; Абдурахмонов О. Бошқарув тизими ва раҳбар. –Тошкент:Академия, 2004.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

раҳбар ахлоқий сифатларини шакллантиришнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш;

раҳбар маънавий-ахлоқий фазилатларини хорижий ва миллий маънавий манбалар асосида қиёсий таҳлил қилиш;

замонавий раҳбарнинг ахлоқий ва маънавий сифатларини таснифлаш;

раҳбар маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий негизларини қиёсий ўрганиш;

адолатли бошқарувни ташкил қилиш механизмларини жорий этиш;

бошқарув регламентациясини ташкил қилишнинг ахлоқий норма ва услубларини такомиллаштириш;

раҳбарларнинг ахлоқий сифатларини баҳолаш ва уларни танлаш технологияларини такомиллаштириш;

замонавий раҳбар фаолиятида низо ва ихтилофларнинг келиб чиқишини аниқлаш ва бартараф қилиш муаммоларини ўрганиш;

раҳбар ва ходим мулоқотининг маънавий-ахлоқий муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф қилишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** давлат ва жамият бошқарувида раҳбар ахлоқи ва адолатли бошқарувни ташкил қилиш билан боғлиқ жараёнлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** – раҳбарнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини белгилайдиган ва адолатли бошқарувни ташкил қилиш билан боғлиқ ахлоқий қадриятларни ўрганишга қаратилган воситалар.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, мантикийлик, функционал-тизимлилик, қиёсий таҳлил, моделлаштириш, дедукция ва индукция, статистика, эксперт социологик сўров усуллари қўлланган.

**Диссертациянинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

замонавий раҳбарликнинг ахлоқий меъёрлар ва талаблар таснифларини белгилайдиган касбий хусусият хизмат субординацияси, очиқлик ва тенглик тамойиллари, қоидалари очиб берилган;

раҳбар, мансабдор масъул ходимнинг ваколат ва мажбурият мезонлари ва уларни танлаш тизмини такомиллаштиришнинг ахлоқий механизмлари асослаб берилган;

бошқарув регламентациясини ташкил этиш услублари, ёндашувлари, раҳбар кадрларнинг ахлоқий сифатларини баҳолаш ва танлаш мезонлар тартиби ишлаб чиқилган;

кадрларнинг ахлоқий сифатларини баҳолашда жамоатчилик фикри **ва** мустақил комиссия фаолиятининг афзалликлари асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хорижий ва миллий тажрибани қиёсий ўрганиш асосида адолатли бошқарувни ташкил қилишнинг технология ва механизмларига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК

рўйхатига кирган махсус ва хорижий мамлакатлар журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** раҳбарнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини белгиловчи нормалар бўйича илмий-назарий хулосалар чиқарилганидан иборат.

Мустақиллик йилларида бошқарув соҳасида фаолият олиб борадиган раҳбарларга бўлган талаблар тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришда раҳбарлар зиммасига жуда каттга масъулият юкланмоқда. Бу вазифаларни амалга оширишда раҳбарларнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиши муҳимдир. Шу жиҳатдан, тадқиқотнинг амалий аҳамияти, бошқарув регламентациясини ташкил қилиш, бўлажак раҳбарлар ва раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бораётганларнинг ахлоқий сифатларини баҳолаш, танлаш, раҳбар фаолиятида учрайдиган низо ва ихтилофларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, раҳбар ва ходимлар мулоқотидаги муаммоларни ҳал қилишда назарий-методологик қўлланма бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, раҳбарлар учун ташкил қилиладиган малака ошириш курслари ҳамда давлат хизматчилари фаолиятида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Раҳбар ахлоқи ва адолатли бошқарувни ташкил этиш муаммоларини ўрганиш натижасидаги таклифлар асосида:

Раҳбарлик фаолияти асосини ташкил этувчи ахлоқий сифатларнинг ҳуқуқий меъёрларда акс эттиришга доир илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Котибияти ва Минтақавий вакилларнинг фаолиятида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари вакилининг 2018 йил 6 апрелдаги 01-07/01-сон маълумотномаси). Натижада Омбудсман Котибияти ходимлари ҳамда Минтақавий вакилларнинг Одоб-ахлоқ қоидаларида раҳбар ва ходим муносабатлари юксак ахлоқий тамойилларга асосланган ҳолда соф ва адолатли бўлиши, ходимнинг имконияти ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда топшириқларни талаб қилиши, шунингдек, қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги, ходимларга нисбатан юқори профессионализм ва адолатда ўрнатилган бўлиши каби нормалар акс эттирилган;

раҳбар кадрларнинг ахлоқий сифатларини шакллантириш адолатли бошқарувнинг муҳим омили эканлигига доир таклифларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятида фойдаланилди (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2018 йил 10 апрелдаги 04-13/1961-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий ва маҳаллий Кенгашлари масъул ходимлари учун ўтказилган семинарлар, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг 4

ойлик курслари тингловчиларининг маънавий-ахлоқий даражаларини юксалтиришга хизмат қилган;

замонавий бошқарувга ахлоқий кадриятларни жорий этиш, демократик ислохотларни амалга оширишда раҳбар кадрларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари адолатли бошқарувни ташкил этишнинг муҳим омили эканлиги ҳақидаги тавсияларидан Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ва ҳудудий Кенгашлари фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгашининг 2018 йил 4 апрелдаги 01-219-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар ёшларни раҳбарликка тайёрлашнинг технологик механизмлари сифатида хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп қилилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола (улардан 4 республика ва 1 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр қилинган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Раҳбар ахлоқий сифатларига доир таълимотлар”** деб номланган биринчи бобида раҳбарнинг ахлоқий сифатларини шакллантиришнинг назарий-методологик асослари, “раҳбар”, “ахлоқ”, “раҳбар маънавияти”, “раҳбар этикаси”, “раҳбар ахлоқи” ҳамда “адолатли бошқарув” тушунчаларининг алоҳида ва ўзаро боғлиқ хусусиятлари, шунингдек, Марказий Осиё мутафаккирларининг раҳбар ахлоқига доир қарашлари ҳамда раҳбар ахлоқий фаолиятини такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари тадқиқ қилинган.

Раҳбар ахлоқи жамиятда қонунларнинг инсонпарварлигини таъминловчи маънавий омил сифатида намоён бўлади. Раҳбарнинг ахлоқи унинг маънавиятига бевосита боғлиқ ҳодиса. Ахлоқ раҳбарга масъулият

юклайди. Раҳбар ахлоқини шакллантириш учун ижтимоий фаолият ва унга таъсир этувчи ҳуқуқий омилларни белгилаш лозим бўлади.

Раҳбар ахлоқи унинг ўз хизмат вазифасига масъулиятли, садоқатли, ҳалол ва адолат билан ёндашиши, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига содиқ бўлиши, халқ манфаатларини устувор билиши, янгиликка, ташаббусга, эзгу мақсадларга интилиши ва бунда матонат, жасорат намуналарини намоён қилишида ифодаланади.

Аждодлармиз томонидан яратилган асарларда раҳбар ахлоқи, жамият бошқарувига доир қарашлар ўз ифодасини топган. Мазкур манбалар миллий давлатчилигимизнинг маънавий пойдевори бўлиб, уларни ўрганиш, татбиқ қилиш, замонавий давлатчилик тажрибаси билан уйғунлаштириш халқимизнинг ўзига хос анъаналарини ривожлантириш имкониятларини янада кенгроқ очишга хизмат қилади. Ана шундай маънавий ва ахлоқий манбаларидан бири Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асаридир. Аллома жамиятнинг ривожланиб боришини фозил раҳбарларнинг ахлоқий фазилатлари билан боғлайди. Бу борада “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиладилар”<sup>1</sup>, деб давлат бошқарувида адолатли принципларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий кадриятларни тизимлаштиради.

Шулар қаторида Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарини давлат бошқарувида ахлоқий кадриятларни мужассам этган дастур деб ҳисоблаш мумкин. Бошқарув тизимида бошқарув ахлоқи анъаналарининг сақланиб қолиши учун аввало, раҳбар кадрларни тайинлаш ва фаолиятини бошқаришда унинг бир қатор ахлоқий фазилатлари билан биргаликда қуйидаги хусусиятларига эътибор қаратиш лозимлигини айтади, жумладан:

раҳбарият иқтисодий таъминланган бўлиши;

хизмат доирасига кўра моддий шарт-шароит, қулайлик, жиҳоз, уловларга эга бўлиши;

ҳар бир раҳбар кўрсатган ишига қараб, моддий ва маънавий рағбатлантириб борилиши;

раҳбариятдаги ҳар бир хизматчининг давлатга келтирадиган манфаатига кўра мансабдорлиги қондирилиши;

раҳбариятнинг бурч ва эркинликлари таъминланиши ва ҳ.к.<sup>2</sup>

Раҳбар ахлоқи фазилатларини ўзида ифода этган муҳим манбалардан бири Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асаридир. Амир Темур давлат мансабларига раҳбарнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий муҳофазасини тўла таъминлаш, шу билан бирга ахлоқий интизом масаласига катта аҳамият қаратади. У ҳар бир раҳбардан маълум мансабга муносиблик сифатларини талаб қилади.

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Тошкент: Халқ мероси, 1993. –Б.190.

<sup>2</sup> Равшанов Ф.Р. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. –Тошкент: Академия, 2007. –Б.73-98.

Амир Темур ўз фаолиятида ушбу принципларга амал қилган. Унинг биргина адолатпешалик фазилати атрофида инсофли, диёнатли, адолатпарвар, иродали, шижоатли, ботир, мард етакчиларнинг жамланишига олиб келган. Жумладан, Амир Темур шундай дейди: “Амр қилдимки, қачонки асл сипоҳийлардан иш кўрган, жангу жадал билан суяги қотган ўн киши йиғилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, қолган тўққизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан, уни ўзларига бошчи сайлаб, отини ўнбоши (рахбар) деб атасинлар”<sup>1</sup>. Ушбу тадбирнинг моҳиятида бир қанча бошқарувнинг мувофиқлаштирувчи элементларини кузатиш мумкин. Бунда “асл сипоҳ жангда иш кўрсатган”, “ботирлиги билан алоҳида ажралиб турган”ига нисбат берилганлигини ва фақат шундай сифатга эга бўлган шахсгина ўн боши бўлиши мумкинлигига аҳамият берилган. Ўзтиборли ва ибратли томони шундаки, бундай тартиб то амир лавозимигача танлов асосида амалга оширилган. Демак, хулоса чиқариш мумкинки, давлатнинг энг юқори, то Амир ул-умарогача бўлган лавозимга номзодлар сайлов асосида танланган. Энг муҳими танланган ва сайланган асл сипоҳийларнинг маоши улар кўрсатган жасорат даражаси дифференциал тартибда шакллантирилган. Яъни жасоратли бўлиш нафақат маънавий юксаклик билан, балки моддий қиймат билан мустаҳкамланган.

Ахлоқ масалаларига катта ўзтибор қаратган мутафаккир Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Мухсиний” асарида адолатли етакчи сиймоси асосий мавзулардан бири саналади. Асарда таъкидланишича, бошқарувда сиёсатдан самарали фойдаланиш керак, сиёсат адолатли бўлса, мамлакат, жамият ривож топади, халқ фаровон яшайди ва бунда сиёсатни одил подшоҳлар адолат билан бошқаришлари лозимлигини уқтириб ўтади.<sup>2</sup> Хулоса қилиш мумкинки, фақат ахлоқли рахбар бошқарувда адолатни таъминлаши мумкин бўлади.

Шу даврнинг яна бир ахлоқшунос олими Жалолиддин Давоний “Ахлоқи Жалолий” асарида давлат ва уни бошқариш йўллари, адолатли ва адолатсиз подшоҳлар, уларнинг фуқароларга муносабати, ахлоқ ва таълим-тарбия масалалари тўғрисидаги қарашларни илгари суради<sup>3</sup>. “Ахлоқи Жалолий” асарида жамиятни адолатли – фозил шаҳарга ва жоҳил шаҳарларга бўлади. Форобий каби Давоний ҳам фозил шаҳар бошқарувчисига ўнта энг яхши фазилат мужассамланган бўлиши керак, дейди. Булар:

- ҳукмдор одамларни ўзозлаши;
- давлат ишларини адолатли ижро этиши;
- ҳирс ва шахватга берилмаслиги;
- ҳукмдорликда шошма-шошарлик ва ғазабга йўл қўймаслиги, балки шафқат ва муруватга асосланиши;
- халқнинг эҳтиёжини қондириш учун худонинг иродасидан келиб чиқиши;
- халққа нисбатан одил бўлиши;

<sup>1</sup> Темур тузуқлари. –Тошкент: Гафур Ғулом нашриёти, 1996. –Б.88.

<sup>2</sup> Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Мухсиний. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти. 2011. –Б.163.

<sup>3</sup> Маҳмудов Р. Маънавият юлдузлари. –Тошкент: Абдулла Қодирий нашриёти. 1999. –Б.22.

ҳар бир ишни маслаҳатлашиб, кенгашиб ҳал этиши;  
ҳар бир кишини унинг қобилиятига монанд лавозимга тайинлаши,  
қобилиятсиз кишиларга юқори лавозим бермасликни;  
адолатли фармонлар чиқариши, қонунни бузишга йўл қўймаслик  
кабилардир<sup>1</sup>.

Ушбу таҳлилий манбалардан мақсад миллий меросимизни чуқур ўрганмасдан, у ёки бу даврга, ижтимоий тизим ахлоқига сиёсий жиҳатдан объектив баҳо бермасдан, тарихий тажрибаларни татбиқ қилмасдан замонавий раҳбар қиёфасини ва адолатли бошқарувни ташкил қилиш муаммолари сақланиб қолади. Бугунги кунда адолатли бошқарувни ташкил қилишда миллий меросимиз намуналарида илгари сурилган раҳбар ахлоқи сифатларига доир қарашларни замонавий кўринишларда жорий қилиш орқали халқ фаровонлигини таъминлаш мумкин<sup>2</sup> деган қарашлар мазкур мавзуимизнинг моҳиятини очиб беради.

Тадқиқотда Япония, Франция, Германия, Россия каби ривожланган давлатларда раҳбарлик лавозимларига қўйиладиган ахлоқий талаблар ва уларни танлаш технологияси жумладан, танлов, имтиҳон топшириш, эълонлар бериш, суҳбатдан ўтказиш, лаёқатлилигини аниқлаш йўли билан саралаш асосида амалга ошириладиган ахлоқий талабларига алоҳида аҳамият қаратилади. Жумладан, Францияда раҳбар ва ходимларнинг фаолиятида ишга бўлган муносабатда касбий ва шахсий этика устунлик қилинишига аҳамият қаратилади. Шунингдек, Америка ва Хитойда тадбиркорликда ахлоқ асосий принцип сифатида кенг эътибор қаратилса, Германияда ташаббускорликка ахлоқий аҳамият берилади. Россияда эса, раҳбарлар ахлоқи ҳуқуқ ва тартиб-интизомга риоя қилиниши билан белгиланади.

Ҳар бир давлат миллий бошқарув ахлоқини шакллантиришга эътибор қаратади ҳамда ўз халқи интилишлари, эҳтиёжлари, моддий, маънавий, ижтимоий, миллий мафкуравий манфаатларига асосланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасини илмий жиҳатдан ўрганиш, замонавий технологияларни татбиқ қилиш, миллий-маънавий хусусиятларини инобатга олиб, мазкур масалаларнинг ечимларини шакллантириш демократик йўлни танлаган давлатлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, АҚШда 1978 йилда “Ҳукумат этикаси ҳақида” қонун қабул қилинган бўлса, 1989 йилга келиб, “Одоб-ахлоқ меъёрларини ислоҳ қилиш ҳақида”ги қонун кучга кирган. 1990 йилнинг октябрида 1989 йилдаги қонун АҚШ Президентининг “Мансабдор шахслар ва давлат аппарати хизматчиларининг хулқ-атвори этикаси принциплари” фармони билан мустаҳкамланган. Шунингдек, АҚШда раҳбар кадрларни ислоҳ қилиш жараёнида “1978 йилги ҳукумат этикаси” бўйича қўмита ташкил қилинган. Францияда эса 1991 йилдан бошлаб раҳбар кадрлар одоб-ахлоқи қоидаларига амал қилишга доир қонунларга доимий равишда амал қилиб келинмоқда.

<sup>1</sup> Аликулов Ў. Жалолиддин Давоний. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –Б.20.

<sup>2</sup> Алимардонов Т. Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси. –Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2010. –Б.53.

Буюк Британия парламентининг Жамоалар палатасида ахлоқ андозалари бўйича махсус парламент ҳайъати тузилган<sup>1</sup>.

Францияда давлат хизмати ишларига кадрларни танлаш анча мураккаб босқичлардан иборатдир. Республика Конституциясида фуқаронинг ўзи олижаноб ва истеъдодли бўлса, у ўзининг қобилиятига биноан бошқа ҳеч кимнинг кўмагисиз барча турдаги давлат ва жамоат лавозимларига, шунингдек, турли даража ва хизматларга эришиши мумкинлиги, бу соҳада қонунлар барча фуқароларга тенг имкониятлар яратиб бериши қайд этилган<sup>2</sup>.

Раҳбар кадрлар фаолиятида ҳуқуқий технология бошқарувнинг бир маромда ишлашини таъминлашга ҳамда субъектив омиллардан ҳимоя қилишга қаратилади. Бу борада Америка, Германия ва бошқа мамлакатларда бундай ёндашувларни ташкил қилиш борасида ниҳоятда катта тажрибалар орттирилган<sup>3</sup>. Масалан, Англияда “Парламент аъзоларининг “Ахлоқий кодекси” парламентнинг халқ олдидаги обрўйини, ишончини сақлашга қаратилади. Унинг шаънига доғ келтирадиган ҳеч қандай ҳаракат бўлмаслиги расмий тартибда белгиланган<sup>4</sup>. АҚШда 50 доллардан ортиқ қийматдаги совғаларни олиш тақиқланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Адолатли бошқарувни ташкил этишнинг ижтимоий-сиёсий масалалари”** деб номланиб, унда раҳбар ахлоқи мезонларининг ижтимоий ва ҳуқуқий асослари, бошқарувнинг ахлоқий регламентини ташкил қилиш, раҳбарнинг ахлоқий сифатларини баҳолаш технологиялари ҳақида фикр юритилади. Бу изланишлар адолатли бошқарувни ташкил қилиш технологияси сифатида ўрганилган.

Президент Ш.Мирзиёевнинг таъкидлашича, “мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси авваламбор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ”<sup>5</sup> эканлигини асло унутмаслигимиз лозим. Шундай экан, раҳбар – ходимлар, мансабдор масъул ходимларнинг ваколати ҳамда мажбурият мезонларини белгилаш орқали ахлоқий муносабатларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини вужудга келтириш устувор вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Яъни, ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган ахлоқий нормалар раҳбар фаолиятининг объектини яратади. Зеро, бундай объект ташкил қилинмас экан, фаолиятлар мавҳум, мақсадлар хуфёна зиддиятларга олиб келади. Бу борада Ислом Каримов раҳбар кадрларни бир қанча тоифага ажратиб, уларнинг маънавий қиёфасини очиб берган:

<sup>1</sup>Алимардонов Т. Раҳбарнинг ахлоқий қиёфаси. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010. –Б.56.

<sup>2</sup> Ведель Ж. Административное право Франции. –Москва: Знание, 1973. –С.140.

<sup>3</sup> Болиев А. Раҳбар маънавияти. –Тошкент: Маънавият, 2002. –Б.71.

<sup>4</sup> [http://www/ndi.ru/ARCHIVE/Russian/Parliaent\\_Ethic/ParL\\_Ethic\\_1.shtml](http://www/ndi.ru/ARCHIVE/Russian/Parliaent_Ethic/ParL_Ethic_1.shtml). 06.03.06

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. –Б.22.

иймонсиз, виждонсиз шахслар, фурсатдан фойдаланиб, ўз манфаатини кўзлайдиган кимсалар.

иродасиз, мўрт, бўшанг одамлар. Бундайлар шамол қаёқдан эсишини пойлаб туради. Ўз фикрига эга эмас. Бирон-бир оғир юмушни зиммасига олмай, масъулиятдан қочади. Булар ҳар қандай одам билан ҳам, ҳар қандай тузумда ишлайверади.

юрагида ўти бор, серғайрат одамлар, ёшлар, фидойи ватанпарварлар. Биз ишимизда мана шу кейинги тоифага таянмоқчимиз<sup>1</sup>.

Тадқиқотда раҳбар фаолиятида бошқарувнинг ахлоқий регламентацияси ахлоқий кадриятларга асослангандагина жамоада келиб чиқиши мумкин бўлган турли хил низо ва ихтилофларни бартараф этишнинг ҳуқуқий негизи бўлиб хизмат қилиши билан бир қаторда адолатни таъминлашда муҳим восита ҳисобланиши алоҳида таъкидланди. Бошқарув регламентацияси – бошқарувни тартибга солиш, ишлаб чиқариш муносабатларини мувофиқлаштириш, фоалият турларини тақсимлаш, меҳнат вақтини ва давомийлигини белгилаш, мутахассисларни тажриба ва малакаларига қараб жой-жойига қўйиш, рағбатлантириш, жавобгарлик ҳамда масъулиятни белгилаш<sup>2</sup> бўлиб, у бўлмаган жойда ихтилофлар анархия ҳукмига ёки якка шахс – раҳбар иродасига суяниб қолади. Шундай экан, бугунги кунда “ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари) ва жавобгарлик соҳасини белгилаш, ҳар бир вазифа ва функцияни амалга ошириш механизмларини белгилайдиган, шу жумладан, ахборот-таҳлилий қўллаб-қувватлаш, стратегик режалаштириш, лойиҳа бошқаруви, тартибга солиш функцияларини амалга ошириш, давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича маъмурий тартиб-тамойиллар ҳамда регламентларни жорий этиш”<sup>3</sup> талаб қилинади.

Бошқарув регламентациясини ташкил қилиш раҳбар ва ходимлар ўртасидаги ахлоқий муносабатларни мустаҳкамлайди. Ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан маълумки, ҳар бир жамоанинг кўп йиллик ахлоқий кадрияти, аниқроғи ор-номусига, шаънига айланган мафкуравий принциплари ватанпарварликка содиқлик, миллий ғурур, кучли тартиб ва интизом, адолат, тенглик, инсопарварлик, корхона анъаналарини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, жамоанинг фаровонлигини таъминлаш, унинг ривожига фидойилик билан хизмат қилиш каби ғояларда ўз ифодасини топади. Бошқарув регламентацияси мазкур ахлоқий принципларга асосланмоғи лозим. Жумладан, бугунги кунда “давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг ва давлат хизматчилари малакасини оширишнинг махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш”<sup>4</sup> талаб қилинади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994. –Б.185.

<sup>2</sup> Егоршин А.П. Управление персоналом. –Нижний Новгород: НИМ, 2003. –С.720.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 37-сон, 979-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 37-сон, 979-модда.

Раҳбарнинг ахлоқий сифатларини баҳолаш мезонлари ва технологиялари бошқарув фаолиятида мутахассис ходимларни тўғри танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, ақлий ва меҳнат салоҳиятини баҳолай олиш, тегишли мутахассисликка йўналтира олиш тартиблари, аниқроғи ходимларни танлаш услубларининг жорий қилинганлиги жамоада ахлоқий кадриятларнинг мустаҳкамланишига, соғлом ва барқарор муҳитнинг вужудга келишига хизмат қилади. “Давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил қилиш, шу жумладан, ҳуқуқий мақоми, давлат хизматчиларининг классификацияси, хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя қилинишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш”<sup>1</sup> бугуннинг долзарб масаласидир.

Айрим ҳолларда салоҳиятли кадрларни танлаш самарадорлигига тўсқинлик қилаётган таниш-билишчилик, маҳаллийчилик каби иллатлар ташкилотда кадрлар танлаш дастури ва услубларининг йўқлиги, захира раҳбар кадрлар билан ишламаслик оқибатида келиб чиқади. Бундай вазиятларда “айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги давлат хизматчиларининг мақомини белгиловчи ягона нормалар, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари шакллантирилмаганлиги давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш имконини бермайди”<sup>2</sup>. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш даражасига бевосита салбий таъсир кўрсатади. Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари” мазкур муаммоларни ҳал қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, раҳбар фаолияти билан боғлиқ ғайриахлоқий муаммоларнинг юзага келишининг асосий сабаби раҳбар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, кадрларни танлаш, аттестациядан ўтказиш, конкурс ўтказиш, ротация қилиш, салоҳиятли ходимларни раҳбарлик лавозимларига йўналтириш, номувофиқларини лавозимидан маҳрум қилиш каби услубларнинг амалиётга татбиқ қилинмаганлиги сабаб бўлмоқда.

